

30-Iyun, 2026-yil

**МАҲАЛЛА ВА ХАЛҚ ВАКИЛИ ҲАМКОРЛИГИ: ИНСОН ҚАДРИ УЧУН
БИРГАЛИКДА**

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна

*Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши 12-Янгизамон сайлов округи
депутати*

*Ислохотларнинг туб бўғини — маҳалла, ҳаракатлантирувчи кучи — фуқаро ва
унинг вакили*



Бугунги Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий бўғини — **маҳалла**. «Инсон қадри улуғ» деган олий тамойил амалда татбиқ этилаётган бир пайтда, маҳалла ва халқ депутатлари кенгаши вакили ўртасидаги ҳамкорлик ислохотлар самарасини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Ушбу мақолада ушбу ҳамкорликнинг мазмун-моҳияти, механизми ҳамда «Янги Замон» маҳалласи мисолидаги амалий натижалари ёритилади.

1. Янги давр: маҳалла — ҳаёт марказида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти — давлат идораларининг бутун имкониятларини ҳар бир кўчага, ҳар бир хонадонга яқинлаштиришдан иборат. Илгари фуқаро ўз муаммоси билан идорама-идора юрган бўлса, бугун аксинча: давлат хизматлари, банк, бандлик ва ижтимоий ҳимоя тузилмалари бевосита маҳаллага кириб бормоқда. Бу — оддий маъмурий ўзгариш эмас, балки бошқарув фалсафасининг тубдан янгиланиши.

«Янги Замон» маҳалласида бу ёндашув «*Инсон қадри учун маҳалла назорат занжири*» кўринишида ташкил этилган. Унга кўра, ишсиз фуқаронинг рақамли маҳалла платформаси орқали юборган аризасидан тортиб, унга кредит ёки субсидия ажратилиши, иш билан таъминланиши ва натижанинг сунъий интеллект орқали назорат қилинишигача бўлган тўққиз босқичли узлуксиз тизим яратилган. Бу занжирда халқ депутатлари кенгаши ҳам алоҳида бўғин сифатида иштирок этади.

2. Маҳалла — миллий қадриятларимиз ўзаги ва жаҳон эътирофида

Маҳалла — ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ноёб ижтимоий институти, миллий қадриятларимизнинг асосий бўғини. Қўшничилик, ўзаро ҳурмат, ҳашар, оғирни енгил қилиш каби эзгу фазилатлар айнан маҳалла муҳитида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бугун бу институт нафақат ватанимизда, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ўзига хос бошқарув ва ижтимоий ҳамжиҳатлик намунаси сифатида эътироф этилмоқда.

Хусусан, «**маҳалла еттилиги**» — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва солиқ инспекторидан иборат бу коллегиял тузилма — фуқарога энг яқин турган, унинг муаммосини айнан жойида аниқлаб ҳал қилувчи механизм сифатида халқаро эътиборга тушмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари маҳаллий бошқарув ва ижтимоий ҳимояни шу даражада фуқарога яқинлаштира олмаган бир пайтда, Ўзбекистоннинг бу тажрибаси ўзига хос миллий модель сифатида ўрганилаётгани бежиз эмас.

Давлат томонидан маҳаллага қаратилаётган эътибор ҳам тасодифий эмас. **2026 йил Ўзбекистонда «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилинди.** Бу — мустақиллигимизнинг энг катта ютуқларидан бири: халқ турмушига энг яқин турган бўғин давлат сиёсатининг марказига қўйилди. Президент таъкидлаганидек, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамият ҳам тинч ва ҳамжиҳат бўлади.

Энг муҳими — бугун **ҳар бир хонадон, ҳар бир оила маҳалла эътиборида.** Эҳтиёжманд оила ҳам, ишсиз фуқаро ҳам, оталикқа муҳтож ёш ҳам энди ёлғиз эмас: уларнинг ёнида маҳалла, унинг еттилиги ва халқ вакили турибди. Айнан мана шу — ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик — янги даврнинг энг катта кафолатидир.

3. Президент ташаббуслари: «Сайхунобод тажрибаси»

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 14 март куни Сайхунобод тумани «Иттифок» маҳалласида бўлиб, томорқа ва уй хўжаликларидаги омилкорлик билан танишди, томорқа эгалари ҳамда маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди. Айнан шу ерда бандлик ва даромад масаласига нисбатан давлат сиёсатининг янги йўналиши яққол ифодаланди:

«Халқимиз ўз ҳаётида сезиши учун ҳамма ишларни маҳаллада ташкил қилаямиз. Энди давлат идораларининг бутун имкониятларини ҳар бир кўчага, хонадонга олиб қирамиз... Мақсадимиз — халқнинг даромадини ошириш, бой қилиш. Мезон битта: иқтисодий комплекс халқнинг дарди билан яшайди.» — **Шавкат Мирзиёев**

Ушбу ёндашув асосида «Сайхунобод тажрибаси»ни бутун республикада оммалаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва «ишсизликдан холи маҳалла»га айлантириш бўйича бир қатор аниқ вазифалар белгиланди. Жумладан, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш — бир йилда 2–3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш

30-Iyun, 2026-yil

орқали қўшимча даромад манбаини яратишга эътибор берилмоқда. Шунингдек, «маҳалла еттилиги»нинг коллегиял қарорлари асосида ажратилаётган ижтимоий ёрдамларни (иссиқхона, суғориш воситалари, уруғлик ва қўчатлар, кооператив устав фондига улуш) манзилли ташкил этилгани диққатга сазовдир. Ёрдам ва имтиёзли кредитлар ажратилган хонадонларга мунтазам бориб, маблағдан мақсадли фойдаланилаётганини назорат қилиш билан бирга, маҳаллага бириктирилган банк ходимлари томонидан микро-лойиҳалар натижадорлиги ҳақида ҳар ойда ҳисобот эшитиш ва тегишли чоралар кўрилмоқда.

4. Халқ вакилининг маҳалладаги ўрни

Халқ вакили бўлмоқ — бу халқ билан ҳамиша бирга, ҳамкор бўлмоқ, унинг дарди ва муаммосини англаб, уларни бартараф этишга кўмак бермоқ, энг муҳими — халқ ишончини оқламоқ демакдир. Вакиллик — мансаб ёки унвон эмас, балки масъулият ва хизматдир. Бундай вакиллар бугун мамлакатимизда минглаб: улар маҳалла, туман ва вилоят кенгашларида, ҳар бир ҳудудда фаол меҳнат қилиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда ва Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



Халқ депутати — фуқаро билан давлат ўртасидаги тирик кўприк. Унинг вазифаси фақат сессияларда қарор қабул қилиш билан чекланмайди; асосий мезон — ҳар бир қарорнинг конкрет кўча, конкрет хонадон тақдирига таъсири. Айнан шу сабабли «Инсон қадри учун маҳалла назорат занжири»нинг саккизинчи бўғини — Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига юклатилган: ҳар чоракда бир маҳаллада ишсизлар бандлигини таъминлаш масаласи махсус муҳокама қилинади.

Депутат ушбу тизимда уч хил роль бажаради. Биринчиси — вакиллик: фуқаронинг муаммосини қонунчилик ва бюджет даражасига олиб чиқиш. Иккинчиси — назорат: ажратилган маблағ ва ёрдамлар мақсадли сарфланаётганини, ваъдалар бажарилаётганини текшириш. Учинчиси — оталиқ ва кўмак: муайян оила ёки ёш билан шахсан ишлаш, унинг муаммосини «бирга» ҳал қилиш. Шу тариқа депутат

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Iyun, 2026-yil

маҳалла билан давлат идоралари орасида ишончни мустаҳкамловчи бўғинга айланади.

Депутатнинг қонунчиликни чуқур билиши ва уни амалда тўғри қўллаши — халқ ишончини оқлашнинг асосий шартидир. Шу мақсадда Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашида энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар депутатлар ўртасида тақсимланиб, ҳар бир депутат муайян қонунларни чуқур ўрганиш ва амалиётда самарали қўллашга масъул этиб белгиланган. Халқ вакилининг маҳалладаги ўрни

Халқ депутати — фуқаро билан давлат ўртасидаги амалий кўприк вазифасини ўтайди десак, айтиш ҳақиқат бўлади. Зеро, унинг вазифаси фақат сессияларда қарор қабул қилиш билан чекланмайди; асосий мезон — ҳар бир қарорнинг аниқ кўча, аниқ хонадон тақдирига таъсири, эътибори билан жамиятда аҳамиятлидир. Айнан шу сабабли «Инсон қадри учун маҳалла назорат занжири»нинг саккизинчи бўғини — Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига юклатилган бўлиб, ҳар чоракда ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг ижтимоий аҳволи, айниқса, ишсизлар бандлигини таъминлаш масаласи махсус муҳокама қилинади.



Депутат ушбу тизимда уч хил вазифа бажаради. Биринчиси — вакиллик: фуқаронинг муаммосини қонунчилик ва бюджет даражасига олиб чиқиш. Иккинчиси — назорат: ажратилган маблағ ва ёрдамлар мақсадли сарфланаётганини, ваъдалар бажарилаётганини текшириш. Учинчиси — оталиқ ва кўмак: муайян оила ёки ёш билан шахсан ишлаш, унинг муаммосини «бирга» ҳал қилиш каби муаммоларнинг ҳал этишдир. Шу тариқа депутат маҳалла билан давлат идоралари орасида ишончни мустаҳкамловчи бўғинга айланади. Депутатнинг қонунчиликни чуқур билиши ва уни амалда тўғри қўллаши — халқ ишончини оқлашнинг асосий шартидир. Шу мақсадда Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашида энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар депутатлар ўртасида тақсимланиб, ҳар бир депутат муайян қонунларни чуқур ўрганиш ва амалиётда самарали қўллашга масъул этиб белгиланган. Жумладан, қуйидаги қонунлар маҳаллий депутатлар фаолиятининг ҳуқуқий таянчи саналади.

30-Iyun, 2026-yil

Биринчи навбатда жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз бўлиш, коррупцияни йўқотиш давр талаби бўлиб, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-419-сон, 2017 йил) — давлат идоралари ва маҳалла ишида ҳалоллик ҳамда шаффофликни таъминлайди. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-547-сон, 2017 йил) — фуқаролар шахсий маълумотлари ҳимоясини кафолатлайди. Шунингдек, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-848-сон, 2023 йил) — эҳтиёжманд фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам имконини беради. «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-931-сон, 2024 йил) — қарорларнинг ҳолис ва адолатли қабул қилинишини таъминлайди. Бундай тақсимотдан мақсад — Кенгаш фаолияти самарадорлигини мустаҳкамлаш, қонунчилик нормаларини мукаммал ўрганиш ва уларни амалиётда тўғри қўллашни таъминлашдир. Бу эса халқ вакилининг ҳар бир қарори қонуний, шаффоф ва адолатли бўлишига, пировардида маҳалла билан фуқаро ўртасидаги ишонч янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.



4. Ҳамкорлик механизми: «маҳалла еттилиги» ва назорат занжири

Маҳалла даражасидаги ишнинг таянч таркиби — «маҳалла еттилиги». Унга маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси ва солиқ инспектори киради. Бу гуруҳ ҳар бир оиланинг аҳволини билади, эҳтиёжини аниқлайди ва коллегиял қарор қабул қилади. Депутат ушбу еттилик билан бевосита ҳамкорликда ишлаб, унинг қарорларига вакиллик ва назорат «вазнини» қўшади.

Тўққиз босқичли механизм қуйидагича ишлайди: фуқаро рақамли платформа орқали ариза юборади; ариза бир кун ичида таҳлил қилиниб, тадбиркорлик бўйича тавсия берилади; банк бошқарувчиси кредит ажратади; маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси хонадонга бориб фаолиятни ўрганади ва кўмаклашади; маҳалла кенгаши ҳар ойда «маҳалла еттилиги» ҳисоботини тинглайди; жараён сунъий интеллект ёрдамида назорат қилиниб, депутатлар кенгаши ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Iyun, 2026-yil

даражасида яқунланади. Бу занжирда ҳар бир босқич ўз масъулига эга — демак, ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолмайди.

5. «Янги Замон» маҳалласи мисолида амалий натижалар

Назарий тамойиллар аниқ рақамларда ўз ифодасини топади. «Янги Замон» маҳалласининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

Кўрсаткич	Миқдори
Аҳоли сони	2 978 нафар
Шу жумладан, аёллар	1 744 нафар
Ёшлар	420 нафар
Хонадонлар	887 та
Оилалар	1 032 та
2026 йилда бандлиги таъминладиганлар	58 нафар
Камбағаллик реестридаги оилалар	12 та (28 нафар аъзо)
Маҳалла учун ажратиладиган имтиёзли кредит	1,1 млрд сўм

2026 йилда бандлиги таъминладиган 58 нафар фуқаронинг ҳар бири учун аниқ йўл харитаси белгиланган: 23 та доимий иш ўрни (тадбиркорлик субъектлари ва бўш иш ўринлари ҳисобига), 9 та кредит ва 6 та ссуда-субсидия орқали бандлик. Маҳалла учун ажратиладиган 1,1 млрд сўмлик имтиёзли кредит хизмат кўрсатиш, меҳмонхона ва тикувчилик хизматлари каби даромад келтирувчи йўналишларга йўналтирилади. Камбағаллик реестридаги 12 оила билан эса манзилли иш олиб борилиб, уларни реестрдан чиқариш чоралари кўрилмоқда.



Пировард мақсад аниқ: учинчи чорак якуни билан маҳалла **ишсизлик ва камбағалликдан холи** ҳудудга айлантирилади. Бу натижага эса айнан маҳалла, банк, «маҳалла еттилиги» ва халқ депутати ҳамкорлигидагина эришиш мумкин.

6. Оталикқа олинган ёшлар билан ишлаш

Ҳамкорликнинг энг нозик ва инсонпарвар йўналишларидан бири — оталикқа олинган ёшлар билан ишлашдир. Ана шу ҳолатда ҳам депутатнинг ўрни айниқса

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Iyun, 2026-yil

якқол кўринади: ёшнинг муаммосини хужжатда қайд этиш билан кифояланмай, уни ҳал этишгача бориш талаб этилади. Иш қуйидаги тартибда олиб борилади: яъни, ёшнинг яшаш манзилида суҳбат ўтказилиб, муаммолари рўйхати шакллантирилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бажариладиган вазифалар белгиланади. Бандлик органлари ва Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда меҳнатга лаёқатли ёшларнинг бандлиги таъминланади. Шунингдек, эҳтиёжманд оилалардаги ёшлар «Ёшлар дафтари»га киритилиб, ижтимоий ёрдам ва субсидия ажратилади. «Ёшлар — келажагимиз» ва «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурлари доирасида кредит олишда кўмаклашилади. Ушбу манзилли ёндашув ҳар бир ёшни — у тадбиркорликка қизиқадими, касб-ҳунар ўрганишни истайдими ёки тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтожми — алоҳида инсон сифатида кўришга имкон беради. Бу эса «инсон кадри» тамойилининг амалдаги ифодасидир.



Хулоса

Маҳалла ва халқ вакили ҳамкорлигининг аҳамияти шундаки, глобаллашув шароитида, дунё ҳамжамиятида қанчалик тинчлик ва хавфсизлик масалалари долзарб бўлиб турган даврда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар фуқаронинг кундалик ҳаётини яхшилашга қаратилгани билан муҳимлигининг амалий исботидир. Маҳалла муаммони биринчи бўлиб кўради, «маҳалла еттилиги» уни таҳлил қилади, банк ва давлат идоралари ресурс беради, депутат эса бутун занжирнинг қонуний, манзилли ва натижага йўналтирилган бўлишини таъминлайди. Шу боис, бугунги кунда халқ вакили бўлмоқ — бу **халқ билан ҳамиша бирга, ҳамкор бўлмоқ**, унинг дарди ва муаммосини англаб, уларни бартараф этишга кўмак бермоқ, энг муҳими — халқ ишончини оқламоқ демакдир. Вакиллик — мансаб ёки унвон эмас, балки масъулият ва хизматдир. Бундай вакиллар бугун мамлакатимизда минглаб: улар маҳалла, туман ва вилоят кенгашларида, ҳар бир ҳудудда фаол меҳнат қилиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда ва Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

“ZAMONAVIY DUNYODA SUN’IY IDROKNING RIVOJLANISHI: YANGI DAVR MUAMMOLARI VA YANGI YECHIMLAR JURNALI”

30-Iyun, 2026-yil

Ана шу ҳамкорлик мустаҳкам бўлгандагина ҳар бир маҳалла «ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд»га, ҳар бир фуқаро эса ўз ҳаётида давлат ғамхўрлигини сезадиган инсонга айланади. Зеро, барча ислоҳотларнинг бош мезони биттадир — инсон қадри. Ҳар бир маҳалланинг ривожини — бу хонадон ва оилаларнинг фаровонлигидадир. Оила фаровон бўлса, ёшларимизнинг келажаги ҳам таъминланади. Чунки оила тинч ва бахтиёр бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлод ҳаётга бошқача — ишонч ва қувонч билан назар солади. Демак, маҳалла — бахт, тинчлик ва ободлик қўрғони эканини ҳеч қачон унутмайлик. Мухитдинова Фируза Абдурашидовна

-юримдик фанлар доктори, профессор